Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 10 февраль 1974 йил якшанба ✦ № 35 (15.815). ✦ Баҳоси 2 тийин.

БЕШ ЙИЛЛИК — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ!

✦ РЕСПУБЛИКАМИЗ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ АВЖ ОЛМОҚДА.

✦ ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ.

✦ ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

1974—1980 ЙИЛЛАРДА РЕСПУБЛИКАДА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ҲИСОБИГА АҲОЛИНИ ШУ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТЎЛАРОҚ ТАЪМИНЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1974 — 1980 йилларда республикада чорвачиликни ривожлантириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳисобига аҳолини шу маҳсулотлар билан тўлароқ таъминлаш юзасидан белгиланган тадбирларни муҳокама қилдилар.

Қабул қилинган қарорда таъкидлаб ўтиладики, республика колхоз ва совхозлари партия XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленуми қерорларини бажара бориб, чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш юзасидан анча иш қилдилар. Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида 1970 йилдагига нисбатан озуқабоп экинлар майдони 18,4 процент, шу жумладан бедапоялар 38 процент кўпайди. Озуқабоп экинлар ҳосилдорлиги ошди. Озуқабоп экин майдонларининг кенгайтирилганлиги ва ҳосилдорлигининг оширилганлиги, ташкилий-хўжалик ва зооветеринария тадбирларининг амалга оширилганлиги чорва туёғини ва паррандаларни янада кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имконини берди. Чорва маҳсулдорлиги анча ошди. Бу эса гўшт етиштиришни 19,3 процент, сут етиштиришни 37,5 процент ва тухум етиштиришни 67,2 процент кўпайтириш имконини берди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети чорвачилик ходимларининг, қишлоқ хўжалиги барча меҳнатчиларининг фидокорона меҳнатига юксак баҳо бериб, партия ташкилотлари, коммунистлар ва комсомоллар, совет қишлоқ хўжалиги ва касаба союз органларининг ходимлари чорвачиликни янада ривожлантириш соҳасида катта иш қилганликларини таъкидладилар ҳамда 1972—1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунлари юзасидан, чорвачиликни ривожлантиришда энг юқори кўрсаткичларга эришганликлари учун Ўзбекистон ССРни, шунингдек Қашқадарё, Андижон ва Тошкент областларини; Ленин, Ульянов, Тўрақўрғон, Нурота, Сариосиё, Сирдарё, Оққўрғон, Кува, Боғот ва Кегайли районларини Қизил байроқлар ва пул мукофотлари билан тақдирладилар. Фидокорона меҳнатлари учун чорвадорлардан 2400 киши СССР орден ва медаллари билан мукофотланди, улардан уч киши эса Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети кўплгина партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхозлар ва давлат хўжаликлари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдаги мавжуд катта резервлар ва имкониятлардан ҳамон фойдаланмаётганликларини, озуқа базасини ривожлантиришга етарлича аҳамият бермаётганликларини қайд этиб ўтдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига тобора ошаётган эҳтиёжларини таъминлаш ва мамлакат пахтакор республикалари партия хўжалик активининг йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини шу ернинг ўзида етиштирилувчи маҳсулот ҳисобига тўлароқ қондириш тўғрисида қўйган вазифалари бажарилишини таъминлаш мақсадларида 1974—1980 йилларда чорвачиликни хўжаликнинг ҳамма категорияларида гўшт етиштиришни 2 баравар, сут етиштиришни 2 баравар ва тухум етиштиришни 2,4 баравар оширилишини таъминловчи тадбирларни маъқуллладилар.

1974—1980 йилларда колхозлар ва давлат хўжаликларида гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтириш, чорва туёғи ва паррандани кўпайтириш топшириқлари белгиланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети:

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Совхозлар министрлиги, Озиқ-овқат саноати министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой», область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, хўжаликларнинг раҳбарлари зиммасига ҳар бир колхоз, давлат хўжалиги, районда белгиланган топшириқлар бажарилишини таъминлайдиган конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш вазифасини юклади.

1974—1980 йилларга мўлжалланган тадбирларни ишлаб чиқишда қуйидагиларни назарда тутиш белгилаб қўйилди:

— чорвани тўқ тутадиган озуқа билан таъминлаш, экин майдонларини кенгайтириш ҳамда беда, маккажўхори ва бошқа озуқа экинларини парваришлашда уларнинг ҳосилдорлигини анча ошириадиган прогрессив агротехникани қўлланиш, суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан рационал фойдаланиш, экинларни аралаштириб экишни, такрор экишни ва оралатиб экишни кенг қўламда жорий этиш;

— озуқа экин майдонларини камида 30 процент кўпайтириш ва суғориладиган ерларда: гектар бошига 120 центнердан беда, 40 центнер маккажўхори, 40 центнер маккажўхори аралаш беда, камида 80 центнер дон учун етиштириладиган оқжўхори, 25 центнердан дон аралаш беда, 500 центнер силосбоп маккажўхори, 300 центнер силосбоп ва кўкмак маккажўхори аралаш беда, гектар бошига камида 300 центнердан силосбоп ва кўкмак такрор экилган маккажўхори ҳосили олиш шунингдек суғориладиган яйловзорлар яратиш.

Лалмикор ерларда алмашлаб экиш ўзлаштирилсин, арпа, буғдой, беда, силосбоп экин, хашаки поли́з экинларининг ҳосилдорлиги оширилсин, бошоқли дон экинлари экишга ажратиладиган майдонларнинг камида 60 процентига арпа экилиши кўзда тутилсин.

Қарорда қуйидагилар мўлжалланади:

— фитомелиорация йўли билан чўл, адир ва баланд тоғлик яйловларини яхшилаш, яйловларга сув чиқариш, суғориш тармоғини реконструкция қилиш ва тоғлик яйловларни сув билан таъминлаш ишларини амалга ошириш;

— республиканинг ҳамма хўжаликларида озуқа тайёрлаш ва сақлаш прогрессив технологиясини жорий этиш. Қоракўлчилик хўжаликларида донадор ва дағал емхашак етиштириш, омухта ем заводлари, донадор ва брикетланган озуқа тайёрловчи цехлар қуриш, озуқани брикетловчи, витаминли ўт талқони тайёрловчи ва сенаж бостирувчи цехлар қуриш юзасидан топшириқлар белгилаб чиқилди;

— чорвачилик ва ипакчиликда чорвачилик маҳсулдорлигини ва пилла ҳосилини анча кўпайтиришга ёрдам берувчи хлореллани кенг қўламда қўллаш;

— чорвачилик фермалари бўлмаган колхоз ва совхозларда 1974 йилдан бошлаб қўжаликлараро сут товар ва паррандачилик фермаларини ташкил этиш;

— ҳар йили 60 минг бош ғунажин етиштириб сотадиган ихтисослаштирилган хўжаликлар тузиш ва шунинг асосида колхоз ва совхозларда сут чорвачилиги подаси структурасидаги сигирлар салмоғини 40-50 процентгача етказиш;

— икки ёшдан ошган юзта сигир ва ғунажиндан камида 90-95 та бузоқ, 100 та асосий урғочи чўчқадан 2500-2600 чўчқа боласи, 100 бош совлиқдан 120 қўзи, бошқа наслдаги совлиқлардан камида 110 тадан қўзи олиш;

— ҳар бир бош соғин сигирдан олинадиган сутни 2725 килограммгача етказиш, ҳар бир товукдан 200 тагача тухум олиш, гўштга топшириладиган ҳар бир бош қорамолнинг ўртача тирик вазнини 376 килограммгача, чўчқанинг вазнини 110 килограммгача, қўйнинг вазнини 50 килограммгача етказиш;

— қуёнчиликни янада ривожлантириш, урғочи қуёнларни 100 мингтагача, ҳар йили етиштирилиб давлатга сотиладиган қуён гўштини 500 тоннагача етказиш ва 2 миллион донага қадар қуён терисини тайёрлаш;

— йилқичилик ва туячиликни янада ривож топтириш, от заводлари ва фермаларини мустаҳкамлаш, қимиз етиштирадиган йилқи фермагари ташкил этиш, шунингдек йилқичилик ва туячиликни ривожлантириш учун озуқа базаси яратиш;

— асаларичиликни, уни ихтисослаш ва концентрациялашни янада ривожлантириш, колхоз ва совхозлардаги асаларини 1972 йилга нисбатан 2 баравар, йиғиладиган ялпи асални уч баравар ошириш;

— балиқчиликни янада ривожлантириш. Овланадиган балиқ 1973 йилдаги 144 минг центнердан 315 минг центнерга қадар етказилади ёки 1973 йилдагига нисбатан 2,2 баравар кўпайтирилади.

Балиқ ўстириладиган ва боқиладиган янги ҳовузлар қуриш кўзда тутилади. Балиқ маҳсулотлари хилини ва ҳовуздан тутилиб, дудланадиган балиқни кўпайтириш мақсадларида Ўзбекистон ССР балиқ хўжалиги бошқармасига 1974 йилда Оққўрғон балиқ комбинати ҳузурида дудлаш цехини қуриш, шунингдек ҳовуз хўжаликларини колхоз ва давлат хўжаликларининг талабларига кўра очирилган балиқ, зарур балиқ тутиш қуроллари ва бошқа ашёлар билан таъминлаш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, колхоз ва давлат хўжаликларининг раҳбарлари зиммаларига хўжаликлараро ихтисослашни кенгайтириш ва чуқурлаштириш чораларини кўриш вазифаларини юклади. 1975 йилгача ҳамма хўжаликларда бузоқларни сигирдан ажратиб боқиш усулига тамомила ўтиш, қаймоқли сут ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш лозим.

Колхозлараро, совхозлараро ва колхоз-совхозлараро кооперация ривожлантирилсин. Сутчилик комплексларини биргалашиб қуриш, ғунажинларни етиштириш, чорва молларни сунъий урчитиш, омухта озуқа заводлари қуриш, паррандачилик фабрикалари қуриш билан шуғулланадиган кооперативлар ташкил этилаверсин, шунингдек, аграр комплекслари ташкил этилаверсин. Чорва молларни боқиб семиртириб берадиган колхозлараро, совхозлараро пунктлар кенгайтирилсин. Чорва молларни боқиб семиртириб берадиган колхозлараро пунктлар қошида ғунажинларни боқиш ташкил этилсин.

Чорва молларни боқиб семиртирадиган колхозлараро пунктларга ҳамда Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлигига қарашли «Главзаготскототкорм»нинг чорва молларни боқиб семиртириб берадиган пунктларига ўзлари учун озуқа етиштиришга имкон берадиган зарур миқдорда суғориладиган ерлар ажратиб берилсин.

Қоракўлчиликни, гўшт-жун етиштиришга мўлжалланган қўйчилик ва эчкичиликни ихтисослаштириш ва концентрлаштириш ниҳоясига етказилсин. Шу мақсадда янги қоракўлчилик, қўйчилик ва эчкичилик совхозлари ташкил этилсин.

Чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотлари етиштиришни саноат асосига кўчириш ишлари давом этирилсин. 1974—1980 йилларда 142 минг сигирга мўлжалланган ва сут етиштириш билан шуғулланадиган 280 та комплекс, 360 минг бош чўчқага мўлжалланган ва чўчқа гўшти етиштириш билан шуғулланадиган 7 та комплекс, 80 минг бош бузоқни ўстиришга ва боқиб семиртиришга мўлжалланган 8 та комплекс, 187 минг бош қора молни боқиб семиртиришга мўлжалланган 12 та майдонча ва 18 та паррандачилик фабрикалари қурилсин.

Ўзбекистон ССР Госпланига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Совхозлар министрлигига, Озиқ-овқат саноати министрлигига, «Главсредазирсовхозстройга 1974 — 1980 йилларда чорвачилик комплексларини жойлаштириш ва қуришга доир, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашга, капитал маблағлар, моддий-техника ресурслари билан таъминлашга ва комплексларни чорва моллари билан тўлдиришга доир конкрет тадбирларни область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари билан бирга ишлаб чиқиш топширилди.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область, шаҳар ва район ижроия комитетлари зиммасига чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикаларини қуриш қандай бораётганлигини алоҳида контроль қилиб туриш, комплексларни фойдаланишга топширишни тезлаштиришга доир қўшимча чоралар кўриш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари гўшт чорвачилигини ривожлантириш чораларини амалга оширишлари лозим. Гўшт етиштириш билан шуғулланаётган совхозларда сигирларни яйловларда боқиш ва бузоқларни сигирдан ажратиб боқиш усули жорий қилинсин. Саноат асосида дурагайлаштириш йўли билан олинган бузоқларнинг тирик вазни 1 ёшга етганида камида 250 килограмм бўлишига якин йиллар ичида эришилсин. Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлигининг гўшт чилик совхозларида 1980 йилга қадар гўштга мўлжалланган қорамоллар туёғи 168,2 минг бошга, шу жумладан сигирлар 66,6 минг бошга ва гўшт етиштириш 20,8 минг тоннага етказилсин.

(Давоми иккинчи бетда).



Бухоро ип-газлама комбинати ишга туширилиб, маҳсулот бера бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ, бу ерда плондан ташқари газлама ишлаб чиқаришга киришган илғор ишчиларнинг сафи тобора кенгаймоқда. Суратларда: комбинатнинг илғор ишчиларидан М. Неъматова, В. Немцова ва Ҳ. Раззоқовалар ҳамда улар ишлаётган цех тасвирланган. Илғор ишчилар Кўқондаги трикотаж фабрикасида тажриба орттириб келиб, эндиликда прогрессив иш усулларини ўз меҳнатларида қўлланмоқдалар.

А. Тўраев фотолари.

ЛОЙИҲАДАГИ ҚУВВАТГА ЭРИШИЛДИ

ЖИЗЗАХ, 9 февраль. (ЎзТАГ). Жиззах омухта ем заводи коллективи корхонанинг лойиҳадаги қувватига эришиши учун планда кўзда тутилганидан икки баравар кам — бир ойдан сал кўпроқ вақт талаб қилинди. Энди Мирзачўлдаги омухта ем саноатининг тўғриқ корхонаси қорамол, чўчқа ва паррандалар учун бир кечакундузда икки юз тонна тўйимли озуқа ишлаб чиқарадиган бўлди.

Жиззахдаги завод мамлакатимизда тайёрланган замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Бу ерда Ўзбекистонда биринчи марта Ф. Э. Дзержинский номли порцион автоматлар ишлаб чиқарадиган Киев заводининг маркаси қўйилган кўп компонентли тарозилар монтаж қилинган. Булар ёрдамида компонентларнинг аниқ бериб борилиши кузатиб турилади.

Бу йил корхона коллективи республика чорвачилиги эҳтиёжлари учун қирқ саккиз минг тоннага яқин омухта ем тайёрлаб беради. Шу маҳсулотнинг дастлабки туркуми Сирдарё, Жиззах ва Ўзбекистондаги бошқа областларнинг колхоз ва совхозларига жўнатилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ЎзСОВПРОФДА

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети билан Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ (овул) ва поселка Советларининг 1973 йилги республика социалистик мусобақаси якунларини чиқардилар.

Хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишда эришилган муваффақиятлар учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети билан Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг «Фахрий дипломлари» билан пул мукофотлари Нукус районидаги Бердақ номли овул Советига (раиси ўртоқ Жолмуратов), Андижон районидаги Ербоши (раиси ўртоқ Тўхтасинов), Ромитан районидаги Хазорбоғ (раиси ўртоқ Умрзоқова), Жиззах районидаги Советобод (раиси ўртоқ Султонов), Китоб районидаги Пахтаобод (раиси ўртоқ Янгибоев), Янгиқўрғон районидаги Оққирон (раиси ўртоқ Асқаров), Пахтачи районидаги Карл Маркс номли (раиси ўртоқ Мавлонов), Гагарин районидаги Бўлдир (раиси ўртоқ Сафаров), Ворошилов районидаги Верхневолинск (раиси ўртоқ Жабборов), Юқори Чирчиқ районидаги Бордонкўл (раиси ўртоқ Сафаров), Боғот районидаги Боғот (раиси ўртоқ Раҳимов) қишлоқ Советларига, шунингдек Ўзбекистон районидаги Яйпан поселка Советига (раиси ўртоқ Турдиалиев) бериладиган бўлди. (ЎзТАГ).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

УРГАНЧ, 9 февраль. (ЎзТАГ). Бутун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Хоразм область қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари, партия ва совет органлари ходимларидан катта группасига СССР орден ва медалларини топширди. Улар 1973 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида муваффақиятга эришганликлари ҳамда пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан қабул қилган социалистик мажбуриятларини бажаришда фидокорона меҳнат қилганликлари учун ана шу мукофотларга сазовор бўлган эдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Хазораси районидаги Фрунзе номли колхоз механизатори С. Худойқулиевга, Ал-Хоразмий номли совхоз директори Н. В. Кимга Ленин орденц ҳамда «Урок ва Болга» олтин медали топширилди.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов Хоразм области меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал қилишга сафарбар этиш соҳасидаги самарали иши учун мукофотланган «Хоразмская правда» газетасига «Хурмат Белгиси» орденини топширди.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов мукофотланганлари самимий қутлаб, совет Ватанининг бахт-саодати йўлидаги меҳнатларида уларга муваффақиятлар тилади.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ А. А. ГРОМИКОНИНГ ФРАНЦИЯГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИГА ДОИР

Франция ҳукуматининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико шу йил 15 февралдан 18 февралгача расмий визит билан Францияда бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада хореография санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Й. Охунбобоев номли Андижон область ўзбек музикали драма ва комедия театрининг балетмейстери Малоҳатхон **Исоқова**га «Ўзбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми музика санъати соҳасидаги катта хизматлари ва республика меҳнаткашлари ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик музикасини пропаганда қилиш соҳасида актив иш олиб борганлиги учун Туркистон ҳарбий округи ҳарбий оркестр хизматининг бошлиғи, округ оркестрларининг бош дирижёри ва Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи штаби оркестрининг бадиий раҳбари Юрий Дмитриевич **Сайджановга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика матбуотини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг бош редактори Сотиболди **Ийлдошев**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада театр санъати соҳасидаги хизматлари ва ижрочилик маҳорати учун Ҳ. Олимжон номли Самарқанд область ўзбек драма театрининг артисти Тағнаберди **Қурбонов**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артисти» фахрий унвони берди.

Расмий ахборот

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН

Сенат раиси Жаъфар Шариф Имомий бошчилигидаги Эрон парламенти делегацияси СССР Олий Советининг таклифига биноан расмий визит билан 8 февралда Москвага келди.

Эрон ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Шереметьево аэродромида делегацияни СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Шитиков, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Ё. С. Насриддинова, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Эроннинг СССРдаги элчиси Ризо Амир Теймур бор эди.

Шу куни делегация аъзолари СССР Олий Совети палаталари раисларининг ҳузурида бўлди.

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Ё. С. Насриддинова меҳмонларни самимий табриклади.

Сенат раиси Жаъфар Шариф Имомий жавоб нутқида Совет — Эрон муносабатларининг ривожидан мамнунлигини изҳор қилди. Эрондагилар совет раҳбарлари Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва А. Н. Косигиннинг визитларини яхши эслайдилар, деб таъкидлади у. Бу визитлар, деди меҳмон, иккала мамлакатнинг дўстона муносабатларини яққол ифодалайди. Бу муносабатлар юксак даражага кўтарилганлигига, янада мустаҳкамланиб ва ривожланиб бораётганлигига биз ишонамиз. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми Хребтовая-уст-Илимск темир йўлини қуришда эришган муваффақиятлари учун шу темир йўлни қуришда ўрнан кўрсатган катнашчиларни 1974 йил 7 февралда чиқарган Фармонига биноан, СССР орденлари ва медаллари билан мукофотлади.

Ленин ордени билан қуйидагилар мукофотландилар: «Сибстроймеханизация» трести механизациялашган 70-колоннасидаги экскаватор машинисти В. В. Балакин, иккинчи кўприк қуриш трестига қарашли 441-кўприк поезди бетончиларининг бригадири А. А. Лукьянчиков, «Ангарстрой» қурилиш бошқармасига қарашли 266-қурилиш-монтаж поездининг бульдозер-машинисти А. С. Почежерцев.

Октябрь Революцияси ордени билан 4 киши, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан 28 киши, Халқлар дўстлиги ордени билан 21 киши, «Ҳурмат белгиси» ордени билан 41 киши, «Шавкатли меҳнати учун» медали билан 45 киши ва «Меҳнатда ўрнан кўрсатганлиги учун» медали билан 57 киши мукофотланди.

Фармон «СССР Олий Совети Ведомостлари»да ва маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

1974—1980 ЙИЛЛАРДА РЕСПУБЛИКАДА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ҲИСОБИГА АҲОЛИНИ ШУ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТЎЛАРОҚ ТАЪМИНЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

[Бошы 1-бетда].

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигига чорвачилик биноларини қуришни индустриал негизига кўчириш чораларини амалга ошириш таклиф қилинди. Шу мақсадда:

— 1978 йил 1 январгача Тошкент областида жами 220 минг квадрат метрга тенг келадиган чорвачилик биноларининг тўла йиғма комплексларини ишлаб чиқарадиган иккита комбинат қурилсин; Сергелида монтаж заготовкалари ва металл конструкциялар ишлаб чиқарадиган завод кенгайтирилиб, унинг қуввати 2-2,5 баравар кўпайтирилсин; 1975—1977 йилларда қуриш мўлжаллаб қўйилган ёғочсозлик заводи чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикалари учун дуредгорлик буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилсин.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Главстройиндустрия»нинг йилига 100 минг куб метр йиғма-темир бетон ишлаб чиқарадиган заводларидан бирини 1974—1977 йиллар мобайнида йилига 330 минг квадрат метр умумий ишлаб чиқариш майдонига тенг келадиган чорвачилик ва паррандачилик биноларининг конструкцияларининг комплектларини ясашга ихтисослаштириши лозим.

Ўзбекистон ССР Госстройига Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли Тошкентдаги енгил металл конструкциялар заводи ишлаб чиқараётган қувурлардан панжарасимон конструкциялар ясаб биноларнинг томини, шу жумладан, чорвачилик биноларининг ҳам томини ёпиш учун фойдаланишга имкон берадиган қурилиш объектларининг рўйхатини бир ой муддат ичида белгилаш, буюртмачи министрликлар ва идораларнинг лойиҳалаш институтларига эса мазкур рўйхатга мувофиқ ўша қувурлардан ясалган конструкцияларни қўлланиш, шу мақсадда «Узгипротяжпром» институти ишлаб чиққан ҳамда Ўзбекистон ССР Госстройи тасдиқлаган ва қувурлардан ясалган панжарасимон конструкцияларнинг иш чизмаларидан фойдаланиш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Биноқорлик материаллари министрлигига 1974—1975 йилларда Оҳангарон цемент заводида катта ҳажмли асбоцемент текис конструктив тахталар ишлаб чиқарадиган технология линиясини қуриш, шунингдек 1975 йилда мана шу комбинатда бу асбоцемент тахталардан деворбоп уч қатламли панерлар ишлаб чиқарадиган комбинат қуриш вазифасини топширдилар.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Совхозлар министрлиги, Озиқ-овқат саноати министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой», область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги 1974 — 1980 йилларда қишлоқ хўжалиги ва совхозларига озуқабоп экинлар экиш учун зарур миқдорда сувли ерлар ажратиб бериш, қўйлар ва эчкиларнинг ҳар бир отарларини қўтонлар ва қўралар билан таъминлаш вазифаси юкланди. Қўралар қуриш учун маҳаллий қурилиш материалларидан кенг фойдаланилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Совхозлар министрлиги, Ўзбекистон чорвачилик, паллмикор деҳқончилик ва ветеринария илмий-тадқиқот институтлари, Бутуниттифоқ қорақўлчилик илмий-тадқиқот институти, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-тадқиқот институти олимлар ва мутахассисларнинг куч ва ғайратини чорвачиликни тез ривожлантиришга доир конкрет вазифаларни ҳал этишга қаратишлари лозим.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, Маданият, Савдо министрликларига, «Узбекбирлашув»га, Кинематография, Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетларига 1974 —1980 йилларда колхоз ва совхоз фермаларининг ходимларига, яйловлардаги чўпонларга медицина, маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатишни яхшилашга доир конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига 1974 — 1980 йилларда чўпонларнинг болаларини мактаб-интернатларга ҳамда мактаблар ҳузурида давлат томонидан тўла равишда таъминланадиган интернатларга тўла-тўкис тортиш тадбирларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги 1974 — 1980 йилларда қўйчилик районларидаги колхоз ва совхоз фермаларини ҳамда совхозларнинг бўлимларини телефонлаштириш ва уларда радиостанциялар ўрнатиш планини Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Совхозлар министрлиги, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан бирга ишлаб чиқиши лозим.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигига, Автомобиль транспорти министрлигига, «Узбекбирлашув»га ва граждан авиацияси бошқармасига газета-журналлар ва почтани совхозлар ва колхозларнинг марказий қўрғонларига мунтазам равишда етказиб беришни ташкил этиш масалаларини ҳал этиш топширилди.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети колхозчилар, совхозларнинг ва бошқа давлат хўжаликларининг ишчилари, мутахассислар, барча қишлоқ хўжалик ходимлари социалистик мусобақага актив қўшиладилар, беш йилликнинг белгиловчи йили бўлган 1974 йилда ва ундан кейинги йилларда ҳам чорвачиликни ривожлантириш ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлашда катта муваффақиятларга эришадилар, деб қатъий ишонч билдирдилар.

Республикамиз саноат корхоналарида белгиловчи йил планларини муваффақиятли бажариш учун қудратли ҳаракат авж олиб кетди. Илғор меҳнат коллективлари ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилишди. Тошкент экскаватор заводининг ишчилари ҳам юксак мажбуриятлар асосида меҳнат қилишяпти. Суратларда: 1. Тайёр экскаваторлар конвейерда. 2. Коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари: (чапдан) Ю. Балябин, В. Панченко, Г. Бабко ва бригадир Э. Папир ўртоқлар.

А. Тўраев фотолари.

Қорақалпоғистоннинг Россияга ихтиёрий қўшилишининг 100 йиллигига

ДЎСТЛИК ОИЛАСИДА

Қорақалпоғистон Россияга ихтиёрий қўшилганлигининг юз йиллигини нишонлаш юзасидан Автоном республикада катта тайёргарликлар кўрилянти. Мана шундай муҳим воқеалардан бири яқинда у ерда ўтказилган РСФСР адабиёти ва санъати кунларидир. Мухбиримиз Р. Ешимбетов Қорақалпоғистон АССР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси шоир Иброҳим Юсупов билан учрашиб, ана шу ижод байрамига кўрилаётган тайёргарликлар ҳақида суҳбатлашди.

—Россия билан, улуғ рус халқи билан яқинлашув, биродарлашув қорақалпоқ халқининг қадимдан орзуси эди. Ниҳоят халқнинг бу ҳоҳиши 1873 йилда амалга ошди. Маман ботир бошлиқ элчилар олис Осиё даштларидан от чоптириб Петербургга йўл олди. Қорақалпоғистоннинг Россияга қўшилганлиги ҳақидаги ёрлиқни олиб қайтдилар. Бу ёрлиқ ҳозир ўша тарихий даҳиқаларнинг расмий шаҳодатномаси сифатида Нукус ўлкашунослик-тарих музейида сақланмоқда. Маманбий бошлиқ элчилар Россияга қорақалпоқ халқининг мактубини олиб борган эдилар. Бу хатда қорақалпоқлар узоқ замонларда Россия империясининг фуқароси бўлганлиги, сўнг бу алоқалар 260 йил давомида узилиб қолганлиги айтилади. Мактубдаги сатрларда жон бор. Рус-қорақалпоқ алоқаларининг тарихи узоқларга бориб тақалади...

Бироқ, шубҳасиз, дўстона алоқаларимиздаги янги, нурли даврни Октябрь инқилоби бошлаб берди. Қорақалпоқлар инқилобдан олдин ҳам оддий рус халқи, унинг илғор вакиллари билан чуқур ҳамнафас эди. Рус пролетариати, улуғ Ленин таълимоти билан қуролланган рус большевиклари, илғор рус маданияти Қорақалпоғистондай чекка ўлкаларнинг халқлари тараққиётига прогрессив таъсир кўрсатди. Бу таъсир нималардан иборат эканлиги ҳар қандай маърифатли кишига офтобдай равшан. Мен айтадиган фикр шуки, Қорақалпоғистоннинг Россияга қўшилиши Улуғ Октябрь инқилобининг қутлуғ қадами биз томонга тезроқ қўйилишига энг муҳим сабаб бўлди. Қорақалпоқдай оз сонли, кўп жабр-жафо чеккан халқ Октябрь қуёшидан баҳраманд бўлиб, қайтадан кўкарди, гуллаб-яшнади.

Автоном республикамиз ўзининг бу улуғ байрамини қизғин кутиб олянти. Байрам кунларида бизда РСФСР адабиёти ва санъати кунлари ўтказилади.

Биз бу ижод байрамини муносиб тайёргарлик билан қаршиладик. Ўтган йилнинг охирида рус ва қорақалпоқ шоирларининг асарларидан ташкил топган «Олқиш сенга, Россия!» номли китоб ўқувчиларга ҳадя қилинди. Бундан ташқари, «Амударья» журналининг махсус сони қардош рус халқининг адабиётига бағишланди. Шуни айтиш керакки, кўпгина қорақалпоқ ёзувчилари ва шоирларининг асарлари ҳам Москва ва Тошкент нашриётларида нашр этилиб, Иттифоқ ўқувчиларга тақдим қилинган.

Адабиёт ва санъат кунларида иштирок этиш учун Автоном республикага РСФСР маданиятининг юздан ортиқ вакиллари келадилар. Улар орасида РСФСР Ёзувчилар союзининг секретари О. Шестинский, шоир ва ёзувчилардан Ю. Чепуров, Г. Регистан, Р. Казакова, В. Жуков, М. Грин, РСФСРда хизмат кўрсатган артист, киноактёр Т. Кокова, композитор, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, РСФСР Композиторлар союзининг секретари М. Кузлаев ва бошқалар бор. Бундан ташқари, бизга Пятницкий номли рус халқ хори, рус камер оркестри ҳам ташриф буюради.

Меҳмонларимиз Орол балиқчилари ҳузурида, Қизилқум яйловларида, Устюрт далаларида, Тўрткўл, Чимбой меҳнаткашлари ҳузурида бўладилар. Рус адиблари ва санъаткорларини корхоналар, театрларнинг муҳташам залари, олий ўқув юртларининг гавжум даргоҳлари қучоқ очиб кутади.

Қорақалпоғистон АССРда ўтадиган РСФСР адабиёти ва санъати кунлари халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва маданий ҳамкорликларнинг янги байрамларидан бири бўлиб қолади.

Хўжабек СЕИТОВ,
қорақалпоқ шоири.

КОММУНИСТМАН

Элнинг фарзандиман,
Октябрь ўғли,
Оддий коммунистман,
Камарбастаман.
Аммо, муносиб шеър ёзмадим ҳали,
Гарчи эзгулик деб ҳар он постдаман.
Ватан қучоғида яшаб беармон
Элнинг дарду ғами, бахти ўйкмда.
Коммунистик сафда
Мағрур борарман,
Ҳис этиб қанча қарз борин бўйнимда.
Фарзанд деб сийласа мени мамлакат,
Шарафласа номим коммунист атаб, —
Ленин йўриғига сақлай садоқат,
Яшай умрим бўйи бурчимни ўтаб.
Партия солдати — жангчиман хушёр,
Курашларда доим қўрқагим қалқон.
Унинг даҳосидан олиб куч, мадор
Тобланиб бораман довонма-довон.
Партбилетим — кафтда турган юрагим,
Коммунист қўйчиман,
Лойиқ шеър ёзиб
Замонага хизмат этмоқ тилагим,
Шунда чинакам бахт бўлгуси насиб!

ДЎСТЛИК АРДОҒИДА

Дўстлик ардоғида
Қорақалпоғим
Юксалдинг қунма-кун,
Соатма-соат,
Қардошликнинг тутиб
Алвон байроғин,
Касб этдинг тарихлар —
Кўрмаган қудрат.
Эй, она диёрим,
Эй, мунис макон,
СССР бағрида
Гөлдингки камол,
Эндликда сени
Билади жаҳон,
Бугунги орзуйинг —
Эртага — амал!
Гилла қорақўлинг,
Мойиқ пахтанг ҳам,
Зар денгиз мисоли
Мўл-кўл буғдойинг, —
Ягона хирмонга
Бўлгач мужассам, —
Намоён бўлмоқда
Бутун чиройинг!
Дўстлик дастурхонидан
Тутмоқдасан туз.
Қардошлик фахрини
Туйиб жонингда.
Шеъримга шунинг-чун
Сен ўзинг мағиз,
Қанча ёзсам оздир
Юртим, шаънингга!

Юсуф ШОМАНСУР таржимаси.

ОРОЛ МАВЖЛАРИ

Мовий денгиз тўлқинлари мавжланади, майин шабада сув бетини сийпалайди, қирғоқлардан учган шайдоий қушлар тўлқинчалар билан ўйнашадилар, зилол сувларга тўш чайиб яна парвоз қиладилар.

Денгиз ва унинг сермавж тўлқинлари кимларни мафтун этмайди. Унинг тарихини тавсифламаган, унинг тўғрисида байт тўқимаган шоир, унинг фусункор табиатига шайдо бўлмаган мўйқалам соҳиби йўқ бу диёрда.

Бу ўлканинг бағрида шўх Амударё шовқин солиб оқади. Ҳамиша жўшқин қадимий Жайхун эндиликда белига камар боғлаб эл-юрт учун хизмат қилишга киришган.

...Кўҳна тарихнинг сарғайган саҳифаларига назар ташланг-а! Кўп эмас, бундан эллик йилдан сал кўпроқ аввалги ҳаётга разм солинг. Нима ҳам бор эди бу ўлкада? Ҳувуллаган, камбағал қишлоқлар, қашшоқ одамлар... Қорақалпоқ элини уч катта саҳро ўраб олган. Бир томондан Қорақум, иккинчи томондан Қизилқум, учинчи томондан Устюрт дашти даҳшат соларди. Эндичи? Эндиликда дарё тўлқинлари денгиз мавжларига ҳамоҳанг мафтункор гулшанлар чирой очмоқда. Бир вақтлар очликдан, турли-туман касалликлардан инграган ота-боболарнинг бугунги бахтли фарзанди озод ва ҳур ўлканинг яшнаган боғларида фараҳли умр кечирмоқдалар. Бир вақтлар чор Россиясининг қашшоқ, ҳуқуқсиз, эрксиз мустамлакаси бўлган, чекка ўлкаси бўлган Қорақалпоғистон эндиликда Советлар мамлакатининг бахт ва иқбол тонган, баркамол республикасига айланди.

Қорақалпоғистон эндиликда гуллаб-яшнаган ажойиб диёрдир. Ботир, ёвқир, меҳнаткаш, захматкаш эл, идрок ва заковат эгаси бўлмиш қорақалпоқ Орол қирғоқлари, Аму соҳилларида ажойиб мўъжизалар кашф этди.

Республикада бажарилган ва бажарилаётган ишларнинг миқёси ва кўламига назар ташлаган ҳар қандай киши унга бир варақай қойил қолади. Ўша қадимий даштлар бағрини ёриб ўтган беҳисоб каналлар, ўлкага чирой бериб турган боғ-роғларнинг ўзи беқиёс ўзгаришлардан ҳикоя қилиб бериши мумкин. Чунончи, бу ерда очилган каналларнинг узунлиги Москвадан то Владивостоккача бўлган масофани ишғол этаркан. Ана шу диёрда бунёд этилган юзларча артезиан қудуқлари республикада сувга танқислиқни бартараф этди. Булар Швейцария территориясига тенг майдондаги ерларни оби-ҳаёт билан таъминламоқда. Сўнгги йилларда янгидан-янги пахтазорлар, шолиполар бунёд этилди. Булар Қорақалпоғистон ерларида яратилган чинакам мўъжизалардир.

Бу ўлкада бошқа мўъжизалар ҳам борки, бу қорақалпоқ халқи шуҳратини янада ошириб юборди. Айни вақтда Қорақалпоғистон қорақўли халқаро бозорда катта муваффақият қозонмоқда. Республикада қорақўлнинг гоятда нодир навлари етиштирилмоқда. Қора тусдаги, мовий рангли терилар ўзининг сифати, сўзаллиги билан ажралиб туради. Бу ердаги мўйнабоп ҳайвонлар — нутрия, ондатра ва шоркиларнинг таърифи ҳам кенг тарқалган.

Қорақалпоғистон ер ости хазинаси — олтин сандиқларида битмас-туганмас бойликлар жамланган. Бу ердаги биргина газ дарёсининг, нефть булоқларининг ўзи, қанчадан-қанча минерал хом ашёларининг ўзи республиканинг тамоман тўкис бағр-бисотидан сўзлаб беради.

Ҳозирги Қорақалпоғистоннинг бепоён кенгликларини улкан қурилиш майдонларига қиёс этса бўлади. Гигант саноат корхоналари, улкан сув иншоотлари қаторида маданият ва илм кошоналари юксалган. Сўнгги йилларда жўда қисқа вақт ичида замонавий шаҳарлар — Тахиатош, Ўстюртдаги Комсомольск, Кўнғирот чироқлари порламоқда. Автоном республиканинг пойтахти Нукус тағин ҳам гўзал тус олди, гуллаб-яшнади.

Бундай ишлар ўзидан-ўзи рўёбга чиқмаётганлиги ҳаммага маълум. Саноат, маданий-маиший уй-жой қурилишлари учун сарфланаётган миллионмиллион сўмлик маблағлар партия ва ҳукуматнинг гуллаётган воҳа тўғрисида оталарча ғамхўрлигининг натижасидир.

Юксалавер, қардош Қорақалпоғистон! Бахт, иқбол топавер, Орол диёри!

Я. ТУХТАЕВ.

Қорақалпоғистонлик таниқли рассом Николай Корнилов Амударё соҳили диёрининг ўзига хос манзарасини, унинг ажойиб кишиларини тасвирлаб бир неча расмлар чизди. Қуйида биз унинг «Устюрт геодезистлари», «Ҳосил байрамида», «Иўлда», «Қорақалпоқ чўпони» расмларини ёритдик.



РАҲБАР ПАРТИЯ КАДРЛАРИНИНГ ЎҚИШИ

8 февралда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлимлари ҳамда маданият бўлимлари мудирларининг бир ойлик курслари тугади. Курсларнинг тингловчилари марксча-ленинча назариянинг, КПСС ички ва ташқи сиёсатнинг, социалистик экономиканинг илмий бошқаришнинг, партия қурилишининг ҳамда партия XXIV съезди, КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида баён қилинган қоидалар ва хулосалар асосида ғоявий-тарбиявий ишга, адабиёт ва санъатга партиявий раҳбарлик практикасининг актуал проблемаларини ўргандилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари П. Н. Демичев ва Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети фан ва техника давлат комитетининг раиси В. А. Кириллин, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари Н. И. Савинкин, В. Ф. Шауро, «Правда» газетасининг бош редактори М. В. Зимянин, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодюл, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари С. Ф. Медунов, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академик П. Н. Федосеев, министрликлар ва идораларнинг, ижодий союзларнинг, матбуот органларининг раҳбарлари тингловчилар ҳузурида доклад ва лекциялар билан чиқдилар. Курсларда СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари М. Т. Иовчук, А. Г. Милейковский, М. Н. Руткевич, М. И. Сладковский, Б. Л. Сучков ва бошқа олимлар лекция ўқидилар.

Ўқиш жараёнида бўлимларнинг иш тажрибаси билан ўртоқлашилди, беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини янада авж олдириш соҳасида пропаганда ва агитация, маданият вазифалари муҳокама қилинди. Тингловчилар Москва шаҳри ва Москва областидаги бир қанча партия комитетларининг идеология ишини ташкил қилишлари билан, марказий газета ва журналларнинг фаолияти билан танишдилар, совет маданиятининг таниқли арбоблари — ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, кинематографчилар билан учрашдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ПРОКУРАТУРАНИНГ КАТТА ТЕРГОВЧИСИ ЎРТОҚ П. Н. КАЛИНИННИ «ЖАСУРЛИК ЎЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Хавфли жиноятчини ушлашда мардлик ва жасорат кўрсатганлиги учун прокуратура катта терговчиси ўртоқ Павел Николаевич Калинин «Жасурлик учун» медали билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1974 йил, 7 февраль.

ҚИЗИЛҚУМДАН ХАТЛАР

БАЛИМАНОВ ВОРИСЛАРИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ», «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» — «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАЛАРИ, РЕСПУБЛИКА РАДИО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ҚУШМА РЕЙДИ

Машҳур чўпон Жабай ота Балиманов номи қалин жилдли китобларга, зарҳал ҳарфли шон-шуҳрат дафтарларига битилган. Қизилқум бағридаги ҳар бир отарда унинг афсонавий номи тилларда достон. Унинг номи мўътабар, обрўйи Оқтовдек чўнг. Совхоз марказида донгдор чўпоннинг ажойиб ҳайкали ўрнатилибди. Совхоз идорасига кираверишдаги «Ҳурмат тахтаси»да ҳам унинг портрети ҳамон биринчи бўлиб турибди... Ҳа, Қизилқум яйловларидаги манман деган чўпон йигитлар, овулдаги болалар Балимановдек бўлишни орзу қилишади. Жабай ота ана шундай ўтган, чўпонларнинг машъали бўлган.

Бизни кўриб, чўпон ҳайкали атрофига катта-кичик одамлар йиғила бошлади. Кичикроқ митингга ўхшаган йиғилиш бўлди. Райком секретари Туржон Молдабеков олдинига Жабай ота ҳақида гапириб, кейин бизни отаси қўлидан чўпонлик таёғини қабул қилиб олган Жахсилиқ Балиманов билан таништирди. Секретарь бу йил республикамизнинг 50 йиллиги яқинлашиб келаётгани ва кейинги йилларда Томди районида сезиларли даражада катта қурилишлар бўлганини айтди: Беш ярим минг аҳоли яшайдиган район марказида учта мактаб, учта боғча бинолари, аэропорт, телевизор подстанцияси қурилибди. Районнинг территорияси 22 миллион гектар бўлиб, унда атиги 27 минг аҳоли яшар экан. Шунга қарамай, Томди маркази замонавий мукаммал лойиҳалар асосида қайта қурилябти. Тошкент билан Томди ўртасида ҳар куни «АН-12» самолётлари қатнаб турибди...

Жабай ота зиёратидан сўнг совхоз директори Назар Қувватов бизни совхоз идорасига бошлаб кирди. Кейин гапимиз яна одатдагидек савол-жавобларга ўтди. Бош бухгалтер бир қўлида дафтар, бир қўлида чўт қутариб, «Мен бор гапни айтаман, ўтган йилги натижаларимиз яхши эмас, чиқим бор», деб кириб келди. Шунда биз бош бухгалтер Содик Жанабоевдан совхоздаги ҳозирги аҳволни сўрадик: совхозда тўртта ферма бўлиб, жами 51585 та қўй, шу жумладан 29 минг 611 бош совлиқ бор экан. Ҳар юз бош совлиқдан 135 тадан қўзи олиш мўлжал қилинган!..» Марра чакки эмас!

Биз мақсадимизни баён қилдик:

— Отарларга борайлик, шу кеча-кундузда қор кечиб, қўлда таёқ билан туёқ ҳайдаб юрганлар билан учрашайлик, — дедик.

Энди турмоқчи бўлаётган эдик, эшик очилиб, чақмоқ телпак кийган ўрта бўй, икки юзи Қува аноридек қип-қизил бир киши кириб келди. Бу киши совхоз учинчи фермасининг мудири Раймбек Идирисов экан. Фотоаппаратларимиз ва магнитофон ишга тушиб кетди. Раймбек оға ҳам гапга чечан экан, «хўп» деди-да, сўз бошлади: «Фермамизда 17 минг 652 қўй бўлиб, шундан ўн мингтаси совлиқ. Ҳар юз бош совлиқдан 135 тадан қўзи оламиз. Шундан 80 процентини наслга қолдирамиз. Яйловларимиз совхоздан юз чақирим йироқда, Тўғизбой қудуғидан сув ичамиз...»

— Фермангиз бошқа фермалардан нимаси билан фарқ қилади, шу ҳақда гапирсангиз? — деб сўрадик ундан.

— Бизда чўпон-чўлиқларга яхши шароит яратилган. Ўн битта отаримизда «ЗИД-4,5» мотори бор. Бундан қудуқдан сув олсакда бўлади, оқшомлари ўн икки вольтли ўнта лампочка ширағини ёқсада бўлади. Қани энди ферма ва совхозимиздаги ҳамма отарларда ана шундай моторлар бўлса... Жуда қўйчивон боп, бизга керакли нарса бу...

Изендижал яйловига, Сулаймон Шералиев отарига кетяпмиз. Райком секретари Т. Молдабеков йўл-йўлакай Томди проблемалари ҳақида сўзлаб кетяпти:

— Мен ўзим, — дейди у, — паловни жуда яхши кўраман, Тошкентда ўқиб юрган вақтларимда ўрганиб қолганман... Мана энди, бизда ҳатто район маркази Томдида ҳам сабзавот етишмайди, сабзавот сақлайдиган жой, омборхоналар қурилмаган. Сабзи, пиёзларни уйда ҳам асраб бўлмаяпти, нириб кетяпти.

— Ҳа, шунинг учун ҳам шаҳарда ўқиб келган ёшларимиз бир йил, ярим йил ўзини у ёққа-бу ёққа ташлаб, охири кетиб қолишяпти, — деб гап бошлади совхоз директори Н. Қувватов. Сабаб — ёшлар талаби ўзгача, аммо барибир, улар ҳақ. Чўпонларга ҳам қанча узоқ чўл, яйлов бўлмасин, моддий, маданий-маиший шароитни талаб даражасида яратиш вақти келди. Бугунги кунда бу ишларга совхозларимизнинг ҳар жиҳатдан қуввати етади. Аммо, мен ҳозир сизларга чўпонликни ота касб деб билган, чўл шароитига кўникиб кетган, ватанпарварлар ҳақида гапирмоқчиман. Уларни Жабай ота Балимановнинг шу кунлардаги ҳақиқий ворислари деса бўлади. Улар қўзи олишда юз олтмишдан ўтиб, икки юзни мўлжаллаб бораётган марди-майдонлардир.

Кенжабек Евердиев отари Етимтовда, совхоздан 150 километр узоқда. 600 га яқин қўйга ўзи раҳбаси Гулжаҳон, ёрдамчиси — 73 ёшли отаси Еверди Қилчоқбоев қарашади. Улар ҳар юз бош совлиқдан 175 тадан қўзи олмоқчи бу йил...

Ёки биринчи фермадаги Ўрозали Пўлатовни олайлик. Отари 110 километр Қизилқум ичкарисида. Булоғи йўқ. Ёзин-қишин ичишга ҳам, қўйларга ҳам сув машинада ташиб келтирилади. Чўлиқ укаси Абду, ёрдамчиси эса тўрт фарзанднинг онаси Тўқсулув Пўлатова... Улар шундай шароитда 600 қўйни қишловдан соғлом олиб чиқиб, ҳар юз совлиқдан 180 тадан қўзи олиш учун курашмоқдалар. Аданбой қудуғидаги Боймбет Қучелебеков ҳам ҳар юз совлиқдан 180 тадан қўзи олиб, шундан 80 процентини наслга қолдиришга ваъда берган. Биринчи фермадаги бош чўпон Умарали Муродбеков 600 қўйнинг ҳар юз бошидан 185 тадан қўзи оламан, деб Жахсилиқ Балимановни мусобақага чақирган. Улар Қизилқум шунқорлари, Жабай отанинг ҳақиқий издошлари, ворислари... Биз чўпонларнинг қиш чилласидаги меҳнати, жасоратидан мамнун бўлдик.

...Изендижал яйловида биринчи ёш чўпонни учратдик. Танишинг Мақсуд Суралиев, ўтган йили ўнинчи синфни тамомлаган. Етуклик аттестати билан мактаб остонасидан тўғри Қизилқум сақросига ҳаёт имтиҳонидан ўтгани келган. У отдан тушиб, одоб билан бирма-бир сўрашиб чиқди. Кейин сўровимизга биноан ўз ишлари ҳақида шундай гапириб берди:

— 740 қўйимиз бор отарда, ҳозир уларни уч группага бўлиб боқяпмиз. Совлиқларга айниқса эътиборни кучайтириб, емидан, сувидан, ўтловидан тим хабардормиз. Қишловдан совлиқларни бариси этлув чиқиши керак, ана шундагина ҳар юз бош қўйдан 180 тадан қўзи олувга бўлади...— деди Мақсуд Суралиев.

Ўтовга кирдик. Ўртада саксовул чирсиллаб ёниб турибди. Чўпон болалари ўтиришибди. Дастурхонда оқ қанд, новвот, нон. Болаларнинг онаси Тозаш янга Шералиева чой дамламоқда. Бош чўпон Сулаймон ака йўқ экан. Биз келмасдан ярим соатлар олдин милтиғини ўқлаб чиқиб кетибди. Мақсуд кеча пастлик яйловда чиябўри кўрганини айтган экан, шунга кетибди. Демак, ҳали-вери қайтмайди...

Тозаш янга билан болаларини суратга туширишнинг имкони бўлмади, қоронғи тушиб қолган эди... Атрофни қоронғилик ўраб келмоқда. Саҳрога оқшом кўнди. Яна қор ёға бошлади... Бу ерда— саҳро қўйнида, шаҳар ва қишлоқлардан узоқ-узоқларда ёлғиз оила ва бир сурув қўй бор, холос...

Рейд бригадамиз Қизилқумнинг энг узоқ отарига — сўнгги манзилга отланди.

— Бу ерга энди вертолётсиз етиб бўлмайди, — деди томдилик ўртоқлар. — Қизилқумни осмондан ҳам бир кўриб қўйинглар.

Рози бўлдик. Сафаримиз давом этади...

Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Б. МАҲМУДОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» махсус мухбири.

А. ХОЛТОЕВ,
З. НАЖМИДДИНОВ,
республика радиоси ва телевидениесининг редакторлари.

(Ҳурматли газетхонлар! Ушбу рейд материали ва сафар таассуротларини бугун 10 февраль куни республика радиоси орқали соат 14.00 да тинглашингиз мумкин).

Раймбек Идирисов бошқараётган 3-ферма коллективи ҳар юз бош совлиқдан 135 тадан қўзи олишга ва унинг 80 процентини наслга қолдиришга аҳд қилган. Шу кеча-кундузда ферма отарларида 18 минг бош қўй қишдан соғлом ва чиқимсиз олиб чиқилмоқда. Суратларда сиз Балиманов номли совхоз 3- фермасининг мудири Р. Идирисовни ва унинг отаридаги қўйларни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотолари.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ПОЛЬША ЭНЕРГЕТИКЛАРИНИНГ ПЛАНЛАРИ

ВАРШАВА. «Рибник» иссиқлик электр станциясининг қурувчилари қурилиш муддатларини тезлаштириш бўйича халқ Польшасининг 30 йиллиги шарафига зиммаларига олган мажбуриятларини бажарибгина, шу объектнинг иккинчи навбатини қуришга киришдилар. Планлар ҳар бири 200 мегаватт қувватли тўртта турбоагрегат ишга туширилишини кўзда тутади. 1978 йилга бориб станциянинг қуввати 1600 мегаваттга етади.

Қурувчилар ва монтажчилар ўтган беш йилликда умумий қуввати 5 миллион киловатт бўлган янги объектларни фойдаланишга топширдилар. Бу рақам шу беш йилликда бирмунча қўпаяди. Шу давр ичида янги станциялар ток бериши лозим. Энг катта станциялардан бири «Явожно» станциясининг қуввати 1200 мегаваттни ташкил этади. 2000 мегаватт қувватли бошқа бир йирик электр станция қурилишини бошлаш планлаштирилмоқда.

КОМБИНАТ КЕНГАЙМОҚДА

СОФИЯ. Болгария Халқ Республикасида нефтни қайта ишлаш 1975 йилга бориб 1970 йилга нисбатан икки баравар кўпайиши лозим. Бу планларни бажаришда Совет Иттифоқининг ёрдамида қурилган Бургас нефть химия комбинатига катта ўрин берилади. Шу йилнинг биринчи ярмида комбинатда ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришнинг сўнгги босқичи тугалланади. Янги, бешинчи қурилмани ишга туширишбилан бу ерда қайта ишланаётган нефть миқдори 3 миллион тонна кўпаяди.

«БИП» МАРКАСИ БИЛАН

БЕЛГРАД. Пиво ва спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқарадиган Белград комбинати бир неча йилдан бери Европадаги тўрдош корхоналар ўртасида олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Комбинатни қисқартирилган ҳолда «БИП» деб аташади. «БИП» пивоси Югославия пиволаридан ўртасида энг ёқимлиси ҳисобланади. Ана шу учта ҳарф туширилган автоцистерна ва юк машиналарини мамлакатнинг барча йўлларида учратиш мумкин. Белград пивопазларининг маҳсулоти халқаро миқёсда ҳам катта обрў қозонди. «БИП» пивоси халқаро конкурсларда учта олтин медалга сазовор бўлган. Бу йил комбинат 260 миллион шиша пиво ва 100 миллион шишадан ортиқ спиртсиз ичимлик ишлаб чиқаради. Бу маҳсулотнинг бир қисми экспортга жўнатилади. (ТАСС).

● ҚАРДОШЛАРИМИЗ ЮТУҚЛАРИ КУПАЙМОҚДА.

● ДЎСТЛИК ВИЗИТИНИНГ ЮКСАК АҲАМИЯТИ.

● ҲУКУМАТГА ҚАРШИ ОММАВИЙ ҒАЛАЁНЛАР.

ҲУКУМАТГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

АНҚАРА, 8 февраль. (ТАСС). Туркиянинг халқ-республикачилар партияси билан миллий нажот партияси вакилларидан бош министр Б. Эжевит тузган янги коалицион ҳукуматга бугун мажлисда (Турция парламентининг куни палатаси) ишонч билдирилди.

Шундай қилиб, ўтган йил октябрь ойидаги парламент сайловидан бери давом этиб келаётган ҳукумат танглиги тугади.

ХАЛҚАРО ШАРҲЛАР

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИНИНГ ОБРУЙИ

Бундан ярим аср муқаддам —1924 йил 2 февралда Буюк Британия ҳукумати Совет Иттифоқи билан дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигини эълон қилди. Бу воқеа капиталистик давлатларнинг Советлар мамлакатини «таниш палласини» бошлаб берди. Чунки Антанта Советлар мамлакатини дипломатик жиҳатдан яккалаб қўйишга зўр бериб уриниб, натижа чиқара олмади. Ўша йил февраль ойида Италия ва Австрия, март ойида Норвегия, Греция ва Швеция давлатлари СССР билан нормал муносабатлар боғладилар. Шу давлатлар кетидан Дания, Хитой, Франция, Япония ҳам Совет Иттифоқи билан дипломатик муносабатлар боғладилар. Шу тариқа ёш Совет давлати катта сиёсий муваффақият қозонди, турли социал тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшашдан иборат ленинча сиёсат тантана қилди.

Шундан бери орадан 50 йил ўтди. Жаҳон тарихи нуқтаи назаридан қараганда, бу вақт унчалик катта муддат эмас. Аммо шу давр ичида жаҳондаги аҳвол бутунлай ўзгариб кетди. Битта социалистик давлат ўрнига ҳозирги вақтда социалистик мамлакатларнинг бутун бир ҳамдўстлиги муваффақиятли ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда, халқаро вазиятнинг ривожланишига ҳал қилувчи таъсир ўтказиб турибди. Совет Иттифоқи жаҳоннинг энг катта давлати бўлиб қолди. Бутун дунёда унинг обрўйи ва нуфузи жуда зўр. Ҳозирги вақтда 115 давлат СССР билан дипломатик муносабатларда бўлиб турибди. Бошқа давлатлар билан, шу жумладан капиталистик давлатлар билан ҳам мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалари тобора ривожланмоқда.

Ҳозирги вақтда СССРнинг капиталистик мамлакатлар билан муносабатларида янги босқич бошланди. «Совуқ уруш»дан кескинликни юмшатишга ва ўзаро манфаатли тинч ҳамкорликни йўлга қўйишга ўтиш бу янги даврнинг характерли белгиси бўлиб қолди. Бунга аввало КПСС XXIV съездида қабул қилинган Тинчлик программасини изчиллик билан амалга ошириш натижасида эришилди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган ва ҳозирги вақтда Женевада иккинчи босқичи ўтказилаётган кенгашда халқаро муносабатларнинг ва ҳамкорликнинг асосий принциплари ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши лозим. СССР ва бошқа социалистик давлатлар бунинг учун кўпдан бери курашиб келмоқдалар. Шу кенгашда Европада қолдектив ҳавфсизлик системасини вужудга келтириш масаласи муҳокама қилинмоқда. Бундай коллектив ҳавфсизлик системаси икки марта жаҳон уруши бошланган Европа қитъаси ҳаётидан уруш можароларини чиқариб ташлашга имкон беради. Осиёда коллектив ҳавфсизлик системасини вужудга келтириш тўғрисида Совет Иттифоқи таклиф қилган фикр ҳам кенг кўпчиликка манзур бўлди. Мана шу икки қитъада мустаҳкам тинчликни таъминлаш тўғри социал системалардаги давлатлар ўртасида муносабатларнинг ва ҳамкорликнинг янги формаларини ривожлантиришга олиб келган бўлур эди.

Турли мамлакатларнинг давлат арбоблари ўртасида бўлаётган алоқалар янги йўлларда халқаро муносабатларда катта аҳамият касб қилмоқда. Совет Иттифоқи раҳбарларининг бошқа давлатларнинг, шу жумладан капиталистик давлатларнинг раҳбарлари билан учрашувлари ва музокаралари шу мамлакатлар билан СССРнинг муносабатларини яхшилашга, халқаро вазиятни соғломлаштиришга олиб келди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг АҚШ, Франция, Германия Федератив Республикаси ва бошқа давлатларга қилган визитлари бу соҳада айниқса катта роль ўйнади.

Халқаро вазиятдаги ҳозирги ижобий силжишлар бўлиб турган шароитда жаҳондаги кескинликни тагин ҳам юмшатиш ва бундай юмшатишни доимийлаштириш учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд.

БОЛИВИЯДАГИ ВОҚЕАЛАР

Жанубий Америкадаги учинчи катта бўлмаган Боливия мамлакатида кейинги икки ҳафта ичида қонли воқеалар бўлиб турибди. Боливия ҳукумати озиқ-овқат моллари нархини, шунингдек транспорт тарифларини икки баравар оширишга қарор қилганлиги сабабли мамлакатда ҳукуматга қарши оммавий ғалаёнлар бошланиб кетди. Ҳукумат бу ғалаёнларни бостириш учун қўшинлар, танклар ва самолётларни ишга солди. Юздан кўпроқ киши ўлдирилди, неча юзлаб кишилар жароҳатлантирилди. қўшинлар ва полициячиларга ғалаён қатнашчиларидан шафқатсиз ўч олиш ва уларга қарши «барча қонуний чораларни, зарур бўлиб қолган ҳаҳдирда эса, қонунда кўзда тутилмаган чораларни ҳам» ишга солиш тўғрисида буйруқ берилди. Жазо отрядлари ишчиларнинг ва деҳқонларнинг раҳбарларини чиначам ов қилишга киришдилар.

Халқ ғазабининг бундай кўтарилишига фақат нархлар оширилганигина сабаб бўлгани йўқ. Бу ғалаёнинг илдизларини кейинги йилларда Боливияда кескинлашиб кетган чуқур социал, иқтисодий ва сиёсий танглиқдан қидирмоқ керак. Жанубий Америкаининг жуда камбағаллашган, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад АҚШдагига нисбатан 20 баравар камроқ бўлган мана шу мамлакатдаги меҳнаткашларнинг аҳволи тобора ёмонлашмоқда. Қишлоқ хўжалигида деҳқонларнинг ерсиз қолиши, ҳонавайрон бўлиши ва қашшоқланиши жуда кучайиб кетди. Кейинги 15 йилнинг ўзидагина қимматчилик уч баравар кўпайди. Бунинг оқибатида меҳнаткашларнинг кўпгина оилалари нон, гўшт, сут, гурчни сотиб олишга деярли қодир бўлолмай қолдилар.

Ҳозирги ҳарбий ҳукуматнинг стабилсизлиги ҳам социал-иқтисодий танглиқни кучайтириб юбормоқда. Илгари Боливиянинг, икки марта президенти бўлган ва яқин вақтгача ҳозирги режимни қўллаб-қувватлаб келган Виктор Пасс Эстенсоро ҳозирги ҳукуматнинг сиёсатига қўшилмаганлиги сабабли яқиндагина уни ҳукумат мамлакатдан сургун қилиб, ҳайдаб юборди. Шу билан бир вақтда президент Бансер собиқ президент Эстенсоронинг тарафдори бўлган, давлат назорати остидаги кон-руда саноатида хусусий хўжайинларнинг бемалол иш олиб боришига йўл бериб қўйганлигига қарши чиққан кишиларни ҳам ҳукумат составидан ҳайдаб юборди.

Ла-Пасдан олинаётган хабарларга қараганда, Боливияда одамлар кўплаб қамоққа олинаётганлигига ва репрессия қилаётганлигига қарамай, меҳнаткашлар курашни давом эттирмоқдалар. Ҳукумат забастовкаларни ва митингларни батамом тўхтатишга эриша олмаётир. Забастовкалар ва митингларнинг қатнашчилари ноҳақ иқтисодий чораларни бекор қилишни ва ўзларининг моддий аҳволларини яхшилашни талаб этмоқдалар.

Е. ЕГОРОВ,
А. КОЗЛОВ.
(ТАСС).

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ҲАМКОРЛИКНИНГ ПУХТА АСОСИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Кубага қилган расмий дўстона визити якунлари ва Гаванада имзоланган Совет—Куба декларацияси СССР билан Куба ўртасида икки мамлакат халқлари, тинчлик ва социализм иши манфаатлари учун пухта замин бўлиб хизмат қилади. Визит аҳамиятини қизғин муҳокама қилишни давом эттираётган жаҳон матбуоти ва жамоатчилигининг фикри шундай.

● ГАВАНА. Гаванада чиқадиган ҳамма газеталар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Кубага қилган визити натижаларини шарҳлаб, юксак даражада ўтказилган Совет—Куба музокараларини куба халқининг ҳаётидаги чинакам тарихий воқеа, деб баҳолади.

● ПРАГА.Чехословакиянинг «Руде право» газетаси Совет—Куба декларациясини шарҳлаб, Куба ва бошқа социалистик мамлакатлар Совет Иттифоқининг ўзларига самимий бегараз ва ўртоқларча мадад кўрсатаётганлигини, шунингдек Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик қилишдан ҳўшбу мамлакатлар олаётган афзалликларнинг беҳад кўп иботорлари кўрсатишлари мумкин. деб ёзади.

● БУЭНОС-АЙРЕС. Л. И. Брежневнинг Кубага — Америка қитъасидаги биринчи эркин мамлакатга қилган визити шубҳасиз тинчлик миссияси бўлди, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Аргентина тинчлик кенгашининг раиси Альберто Касельря.

● ЖАЗОИР. Бу ерда чиқадиган «Репобулик» газетаси КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Кубага қилган расмий дўстона визити якунларини Совет Иттифоқи — ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган халқларнинг содиқ дўстидир, деб баҳолади.

● КОБУЛ. Афғонистоннинг «Кабул таймс» газетаси Л. И. Брежнев билан Ф. Кастро 2 февралда Гаванада имзоланган Совет—Куба декларацияси шарҳлаб, Совет Иттифоқи билан Куба халқларнинг ҳаёти ва тинч меҳнатини хавф остига қолдирадиган империалистик агрессиянинг ҳар қандай ҳаракатларини қатъий қоралайдилар, озодлик ва мустақиллик учун курашаётган Осиё ва Африка халқлари билан бирдам эканликларини изҳор қиладилар.

● БОННН. Ғарбий Германиянинг «Ўнзере цайт» газетаси визит натижаларига бағишланган бош мақоласида Л. И. Брежневнинг Кубада бўлиши ва ушиг Куба раҳбарлари билан олиб борган музокаралари жаҳонда биринчи социалистик давлат— Совет Иттифоқи билан ғарбий ярим шардаги биринчи социалистик мамлакатни бирлаштирувчи тинчлик, дўстлик ва қардошлик кўпригини янада кўпроқ мустаҳкамлади, деб ёзади. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ВАШИНГТОН. Пентагон конгрессга тазйиқни кучайтириб, ҳарбий эҳтиёжлар учун мўлжалланган маблағларни ажратиш тўғрисидаги таклифни тезроқ маъқуллатиб олишга интилмоқда. АҚШ мудофаа министри Ж. Шлесинжер сенатнинг қуролли кучлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиясида нутқ сўзлаганидан кейин энди вакиллар палатасининг ана шундай комиссиясида гапирди. Штаблар бошлиқлари комитетининг раиси адмирал Т. Мурер сингари Шлесинжер ҳам мудофаа министрлигига шу молия йили учун қўшимча равишда 6,2 миллиард доллар маблағ ажратилганлигини конгресс тезроқ маъқулласин ва 1 июлдан бошланадиган келгуси молия йили учун Пентагоннинг бюджетини 87,7 миллиард доллар миқдорида тасдиқласин, деб яна талаб қилди.

● ЖЕНЕВА. 1973 йилда Швейцария йўлларида рўй берган автомобиль фалокатлари натижасида 1450 киши ҳалок бўлган ва 32800 киши жароҳатланган. Шу маълумотлар Швейцария федерал статистика бюросининг бюллетенида келтирилади.

● КАРАКАС. Венесуэла деҳқончилик ва чорвачилиқ министрлигининг олти минг хизматчиси 12 миллион боливар миқдорида тўланмай қолинган маошларини тўлаш тўғрисидаги талабларини қўллаб-қувватлаб забастовка эълон қилдилар. Забастовка натижасида шу министрликнинг бутун мамлакатдаги бўлимлари ёпилиб қолди.

● ПРАГА. Шифобахш булоқлари билан бутун дунёга машҳур бўлган курорт — Карлови Варида ўтган йили 73 мингдан ортиқ киши даволанди. Бу курорт шаҳрининг кўп асрлик бутун тарихида рекорд курсаткичдир. Курортда Чехословакия гражданлари билан бирга кўпгина хорижий мамлакатлардан, шу жумладан Совет Иттифоқидан келган кўплаб меҳмонлар шифо топди. (ТАСС).

УЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ 50 ЙИЛ

МЕҲНАТИДАН БАХТ ТОПГАНЛАР

●

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

●

ЖОЗИБАЛИ ВА МАРОҚЛИ

КОНКУРС ДАВОМ ЭТАДИ

«ДЎСТЛИК ДИЁРИ — ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИ ШАРАФЛАЙМИЗ»

Мамлакатимиз халқлари, жонажон республикамиз меҳнаткашлари 1974 йилда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейини катта тантана билан нишонлайдилар. 1974 йил шонли беш йиллликнинг тўртинчи зарбдор йили, белгиловчи йилдир. Меҳнаткашлар ярим асрлик юбилейни улкан меҳнат зафарлари билан кутиб олишга астойдил бел боғлаган.

Шу муносабат билан **«Совет Ўзбекистони»** газетаси Ўзбекистон Ёзувчилар союзи билан биргаликда очиқ конкурс эълон қилган эди. Конкурсга ҳаётимиз лавҳаларини ёрқин кўрсатадиган, дўстлик ва қардошлик ғояларини тараннум этувчи, меҳнат ва инсонни улуғловчи энг яхши очерк, ҳикоялар, новелла, кичик ҳажмдаги достонлар, туркум шеърлар, бадиий публицистик мақолалар билан қатнашиш мумкин.

Конкурсга тақдим этиладиган асарларда замондошимизнинг қаҳрамонона меҳнати, ишчилар синфи вакиллари, саноат ва қурилиш ишчилари, механизаторлар, ирригаторлар, инженер-техник ходимлар, дала меҳнаткашлари, пахтакорлар, ғаллакорлар, чорвадорлар, фан ва маданият фидойиларининг бой маънавий дунёси, интилиш ва орзулари юксак бадиий савияда акс эттирилиши лозим.

Конкурс ғолиблари учун 500 сўмлик битта биринчи мукофот, ҳар бири 300 сўмлик иккита иккинчи мукофот, ҳар бири 150 сўмлик учта учинчи мукофот белгиланган.

Асарларни юборганда конвертга **«Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, уй № 26, «Совет Ўзбекистони» газетаси конкурсига»** деб ёзилсин.

Конкурс Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейи арафасида якунланади.

Суратда: отахон шофёрлар. (чапдан ўнгга). И. М. Александров, С. П. Митрофанов, В. С. Орда, И. И. Кушчев, И. В. Хвалев, Р. Қ. Қосимов.

И. Глауберзон фотоси.

ОТАХОН ШОФЁРЛАР

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Чеҳрасидан табассум балқиб турган отахонларга бир назар ташланг. Мамнун нигоҳи бу кексаларимизнинг ҳар бири 60-65 баҳорни кўрган. Улар ўз касбининг усталари. Бир пиёла чой устида суҳбатлашиб қолгудек бўлсангиз, ҳаётлари сермазмун ўтганидан гап очишади. Олтин юбилейини нишонлашга ҳозирлик кўраётган республикамиз ўтмиши ҳақида сўз кетса, беихтиёр кўзлари яшнайди. Чунки улар ўлкамиз тарихи, дастлабки беш йилликлар қурилиши, қоларверса, мамлакатимизда юз берган бир талай ҳайратомуз воқеаларнинг шоҳиди бўлишган. Отахонлар машина рулини бундан 40 йиллар чамаси тутишган эди. Ўшандан бери ўз транспортлари билан бунёдкорлик ишларида фаол қатнашиб келдилар.

Шофёрлар аҳли турли шаҳарлар, қишлоқлар бўйлаб катта-кичик қурилишларда бўладилар. Улар бошқа ҳунар эгаларидан ана шу фазилатлари билан фарқ қилганликлари учун ҳам фахрланишади.

Жумладан Степан Панкратович Митрофанов бугунги кунда гуллаб-яшнаётган Чирчиқ шаҳри ўрнида аввал қандай манзара бўлганлигини ёрқин тасаввур этади. Чунки, у янги шаҳар қурилиши бошланган кезларда катта ҳайрли ишга муносиб ҳисса қўшган. Шаҳардаги илк уй-жой бинои ёки саноат даргоҳини қай йўсинда майдонга келганлигини ўз кўзи билан кўрган. Степан «Чирчиктранс» қурилиш ташкилотида шофёрлик қилиб, барпо этилаётган Чирчиқнинг янги кўчалари бўйлаб ускуналар, хом ашёлар, қурилиш материаллари ташиди. Бу меҳнатлари учун «Қурувчи шофёр» номи берилди.

Рамазон Қосимов эса, илк бор трамвай ҳайдовчиси бўлди. У ёшликдан транспортга ҳавас қўйганди. Трамвайни завқ-шавқ билан ҳайдаса ҳам негадир кўнгли тўлмасди. Чунки унинг илижиси шофёрликда эди. Рамазоннинг орзуси ушалди. Ўзбекистон ССР ташкил этилганлигининг биринчи ўн йилликлари даврида ўзбекдан чиққан биринчи шофёр бўлиб танилди. Унинг ҳамкасби Виктор Степанович Орда бўлса, Фарғона каналига сув келтирганлардан бири. Виктор катта ирригация иншоотининг барпо этилишида ҳисса қўшган.

Шофёрлар барча ўзбекистонлик ўғлонлар қатори халқимиз бошига тушган оғир дамларда кўнгиллилар сафидан жой олишди. Ватанимиз озодлиги учун немис-фашист босқинчиларига қарши мардонавор жанг қилдилар. Иван Васильевич Хвалев Улуғ Ватан уруши кезларида Япония самурайларига қарши курашди. Жанг майдонида машина бошқаришнинг сир-асрорлари кўпроқ унга аён. У душман аёвсиз ўқ-ёмғири ёғдириб турган дамларда ўз машинаси билан танкларни ёқилғи билан таъминлаб турди. Иван Матвеевич Александров ҳам жангчи шофёрлардан. Иван Москва остоналаридан душманни Берлингача қувиб борган. Урушда фақат шофёрман деб қараб турмади. Шунинг учун бўлса керак, кези келганда пулемётчи, тўпчилик ҳам қилаверган.

Эндиликда транспорт ветеранлари — отахон шофёрлар бўлган бу ҳамкасабаларнинг ҳар бири дастлаб «ГАЗ-АА» машинаси рулини тутганман дейишади. Кексаларнинг ҳар қайсиси Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган барча маркадаги машиналарни ҳам яхши билишади.

Қирқ йил мобайнида машина рулини бошқариш фақат айтишга осон. Шофёрлар йиллар мобайнида ҳеч қандай авариясиз ўз машиналарини авайлаб, эҳтиётқорлик билан бошқара олишди. Шунинг учун ҳам ўз касбининг усталари республика Компартияси Марказий Комитетининг транспорт бўлими Фахрий китобига номлари қайд этилган.

Яқинда бу шофёрлар тантанали равишда пенсияга, кексалик гаштини суришга кузатилди.

Т. ОБИДОВ.

КЎЛАНКАСИ МАЙДОН

Фельетон

Носир Султонов ҳам оиламизда беш жон бор деб, иш жойига справка топширди. Янгиер шаҳридан Тошкентга ишга келгани ва онасининг уйида истиқомат қилаётганлиги, бу уйнинг саҳни 42 квадрат метр бўлгани учун қийналаётгандигини кўрсатишни ҳам унутмади.

«Ирмонтажстрой» трести уй-жой комиссиясининг тавсияси билан 1968 йили трест бошқарувчисининг ўринбосари Носир Султоновга икки хонали уй берилди. 1971 йилнинг июнь ойида мазкур трестнинг собиқ бошқарувчиси Усмон Алимбоевнинг ижозати билан трест посёлкасидаги уч хонали ажойиб коттежга кўчиб кетди. Гапнинг очиғига кўчсак, дастлабки яшаган уйининг саҳни 42 квадрат метр эмас, 107,8 квадрат метр.

«Қўйнидан тўкилса — қўнжига», деган гап бор. Буни яхши тушунган Носир Султонов Фарҳод кўчасидаги икки хонали уйни шаҳардаги 16-шифохона жарроҳи Каримовга топширди. Келинини ҳам унутмади. Худди шу кўчадан бир хонали уй олиб берди. Кейинчалик уни икки хоналисига алмаштирди. Бу уйларга эга бўлишда Султонов трестда мутлақо ишламаган келинини секретарь қилиб кўрсатди. Қисқаси, бу масалада трестнинг собиқ бошқарувчиси У. Алимбоев керакли ёрдамни аямаган.

Халқда битта гувала қўйишнинг ўзи бўлмайди деган гап бор. Иморат солиш учун ё пул кўп бўлиши, ё ишчи кучи етарли бўлиши лозим.

«Ирмонтажстрой» трестининг собиқ бошқарувчиси Усмон Алимбоевда юқоридаги омилнинг ҳар иккиси ҳам бор эди. Фақат иморат қуриладиган жой топилса бас! Кўп ўтмай, «Главзаготскотооткормʼ» Тошкент область трестининг Оржоникидзе районидаги бўрдоқичилик пунктига қарашли (Тузел қишлоқ Советидаги Геологлар посёлкасидан) бир гектар ер майдони олинди. Албатта, бунда ҳар икки томон маълум шартлар қўйишди. Зудлик билан қурилиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. 1970—1971 йиллар мобайнида 164-2П ва 164-4П типидаги олтита уй-жой — коттежга 224 минг 600 сўм сарфланди. Амалдаги молия қонун-қоидалари бузилган ҳолда трестнинг Қарши, Янгиер, Советобод, Тошкент шаҳарларидаги тўққизта қуйи ташкилотининг маблағи бу қурилишга сарфланаверди.

Нақотки, олтита коттежга шунча маблағ сарфланса, дейишингиз турган гап. Худди шундай бўлган. Сабаби — бу уйларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари қурилиш объектлари қонун-қоидасига мутлақо зид. Унинг қурилиши область архитектура-планлаштириш бошқармаси билан ҳам келишиб олинмаган. Бунга ҳатто республика «Госстрой»идан рухсат ҳам олинмаган. Ҳамма ишлар трестнинг ўзида пинҳона ва ғайриқонуний бажарилган. Бунинг оқибатида мазкур объектнинг қурилишига, газлаштиришни ҳам қўшиб ҳисобланса, 240 минг сўм сарфланди. Бунинг 92,2 минг сўми иморатлар қурилишига, ободончилик ва ташқи коммуникацияси учун 147,6 минг сўм ишлатилди. Туясидан қўнғироғи қиммат, деб шуни айтсалар керак.

Мўмай пуллар ҳисобига қурилган бу серҳашамат, данғиллама кошоналарнинг бирига юқорида айтилганидек биринчи бўлиб трест бошқарувчисининг ўринбосари Носир Султонов кўчиб кирди. Ишлаб чиқариш-техника комплектацияси бошқармасининг собиқ бошлиғи Қозоқбой Раимбоев унга кўшни бўлди. Қолган уйларнинг бири узоқ-яқиндан келувчи меҳмонизлом учун меҳмонхона, бошқаси меҳмонларни қабул қилиш хонаси, биттасида икки оила турибди. Қолгани шанба ва якшанба кунлари бош бошқарма ва трест ходимларининг байрам ва дам олиш кечалари ўтказиладиган жойлар этиб белгиланди. Мазкур аҳвол билан трестнинг ҳозирги бошқарувчиси Жаббор Саломов ҳам ҳамон муроса қиляпти.

Шунча миқдордаги пул сарфланган бу уйларни таъриф-у тавсифсиз ҳам кўз олдингизга келтиришингиз қийин эмас. Лекин улар ҳақида бир оз маълумот бериб ўтилмаса, бу ерда яшаб турганлар ранжиши турган гап.

Уйга бориш учун, албатта, йўл керак. Лекин бу йўл билан мустаҳкамликда бетонли айланма йўл ҳам белларша олмайди.

Муболаға ҳам эви билан-да, дейсизми? Лоф эмас, ҳақиқат. 500 метрга яқин йўлнинг ҳаммаси ҳафсала билан сифатли бетонлаштирилган. Ҳатто йўлқаларга ҳам темир-бетон тахтачалари ётқизилган. Ариқлари эса йиғма лотоклардан. Бу ишлар учун 55 минг 300 сўм ёки қурилиш сметасидаги харажатнинг қарийб чорак қисми сарфланган. Бу ерга қадамингиз етса, йўл бўлгач киройи шунақа бўлса-да, деб тан берасиз.

Ер участкасининг атрофи ўралмаган жой ҳам жой бўлибдими деб, енг шимариб ишга киришилди. 250 метр узунликдаги ернинг атрофи тахта билан эмас, металл тўрлар билан тўсилди. Замини ҳам метиндек мустаҳкам бўлсин дея асбоцемент ва чўян қувурлардан устун ўрнида фойдаланилди. Улар ҳам, албатта, бетонлаштирилди. Ўрнатилган еттита темир дарвозанинг ҳар бирида алоҳида эшиги бор. Фақат ён-атрофни тўсиш учунгина 5,6 минг сўм сарфланса-ю, Раимбоев билан Султоновнинг ер участкаларини аниқ ажратиб қўйилмаса, инсофдан эмас-да! Дарров узунлиги 80 метрли жойга ҳам темир тўрлар тўсилди. Аммо, афсуски, Султоновга тегишли ернинг бир қисми очиқ қолди-да.

Иморат деганининг атрофидан гулларнинг хушбўй ҳиди димоққа урилмаса, у ниҳоллар оғушида қолмаса, унча савлатли, салобатли ва замонавий бўлмайди. Бунинг ҳам иложини топишди. Бу ишлар учун давлатнинг 12,3 минг сўми сувга оқизилди. Бир талай ноёб гул, манзарали ва мевали дарахтларнинг кўчатлари қанча тез ўтказилган бўлса, шунча тез қовжиради. Тағин бу ерда штатдаги боғбонга ҳақ тўланади-я. Аслида эса унга жарима солиш керак.

Қизиғи шундаки, кўплаб материал ва маблағни ҳўплаб юборган бу ҳашаматли ва дабдабали коттежлар давлат комиссиясига топширилмаган. Ҳатто район ижроия комитети томонидан қабул қилинмаган. Уни фойдаланишга топшириш трестнинг ички акти билан расмийлаштирилган.

Ўз-ўзидан равшанки, 1971 йилнинг июнь ойидан бери шу ерда истиқомат қилиб келаётган Султонов, Раймбоев, вақтинчалик яшаб турган трест бўлими бошлиғи ўринбосари Г. Д. Полтораков ва бошқаларнинг қўлида ҳатто ордери йўқ. Аҳалли улар пропискадан ҳам ўтишмаган...

«Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр», деганларидек, улар электр энергияси, сув ва иситиш каби коммунал хизматидан бемалол фойдаланишган. Ўзбошимчалик билан, ғайриқонуний равишда электр ва водопровод ўтказишган. Аммо, пул тўлашга келганда чиқими чаққан. Текшириш ишлари бошлангач, улар коммунал хизматини эсга олиб, қарзларини узишди...

Жасадга қараб тўн бичилганидек, бу уйларнинг жиҳози ҳам ўзига яраша бўлди. Трест раҳбарлари пулни ҳамёнларидан санаб беришармидиларми?! Шундай бўлгач, пулни аямаслик керак дейишди-ю, 17,4 минг сўмлик инвентарь, шу жумладан, 100 кишига мўлжаллаб 4,7 минг сўмлик қозонтовоқ, қошиқ, вилка, капгир, чўмич ва ҳоказолар ҳарид қилинди. Ҳашпаш дегунча, учта телевизор, 5 та холодильник, 4 та радиоприёмник, 6 та трюмо, 14 та ёғоч кароват — ҳаммаси бўлиб олти минг сўмлик мебель олинди. 40 комплектли портьерлар учун 3 минг сўм, кўрпа-тўшакларга 2,6 минг сўм кетди. Смета бўйича ҳамма уйларнинг поли тахтадан бўлиши керак эди. Бироқ, бир уринниб кўришганди тўртта уйининг поли паркетли бўлди-қолди.

Кўриб лол қоладиган уй-жой тайёр бўлгач, унда хизмат қиладиганларнинг штатли жадвали бўлиши табиий деб, 1971 йилда кир ювувчи, боғбон, қоровул, 2 фаррош — ҳаммаси бўлиб 7 кишига буйруқ чиқарилди. Шу мақсад учун 18,3 минг сўм пул ажратилди. Бу ер трест раҳбарларига атаб қурилган коттежларми, ўзига хос «микрорайонми», меҳмонхонами, дам олиш уйими, айтиш қийин.

Нега десангиз, 1971 йилнинг апрелидан шу йилнинг биринчи январигача бу ерда хизмат қилувчиларга 31,6 минг сўм сарфланган. Олинган даромаддан трест кассасига бор-йўғи 107 сўм топширилган. Олишда минг сўм ҳам кам, беришда бир сўм ҳам кўп кўринган-да!

Штат бўйича бу ерда битта фаррош бўлса етарли. 200 квадрат метрли саҳнли жойга қараш учун 2 та фаррош тайинлашган.

Мансабини суиистеъмол қилиб ўрганиб қолган Султонов иккинчи фаррош лавозимига аввал қизи Д. Султоновани, сўнгра хотини Р. Илёсовани тайинлади. Қўлига ҳатто сўпурги ушламаган она-болага 678 сўм иш ҳақи тўланди.

Раймбоевнинг хотини ҳам қуруқ қолмади. Унга ҳам ғайри-қонуний йўл билан комендант ҳамда ўриндошлик асосида бошқа лавозимни бажаряпти, деб 283 сўм узатишди.

Бу ердаги буюмларнинг инвентаризацияси ҳам қўлдан кетгунча қабилида ўтказилди. 1972 йилнинг биринчи ноябридаги инвентаризация бўйича моддий жавобгар шахс Раймбоевдан 1300 сўм камомат борлиги аниқланди-ю, аммо тезда акт тузилиб, 287 сўмлик хўжалик инвентарлари ҳисобдан чиқарилди. Бу ёғини сўрасангиз, Раймбоевнинг уйида савлат тўкиб турган 337 сўмлик «ЗИЛ-Москва» холодильниги ишлатилган деб, 111 сўмга камайтирилиб, 226 сўмга баҳоланди. Камомаднинг қолган қисми қалбаки йўллар билан эри ўша пайтда бошқарган ишлаб чиқариш-техника комплектацияси бошқармасига оширди. Бу ерда эса камомад деб топилган буюмларнинг деярли ярмисини «яроқсиз ҳолга келган» деб ҳисобдан чиқаришди.

Давлат ҳисобига «танти»лик қиляётган, ғайриқонуний йўл билан иморат курган, мансабни суиистеъмол қилган У. Алимбоев, Н. Султонов, Қ. Раймбоевларнинг бу кирдикорлари пок виждонли кишиларни ранжитди. Олинган сигнал асосида республика Халқ контроли комитети ва Молия министрлиги томонидан ўтказилган текширишда У. Алимбоев, Н. Султонов айбларига тўла иқрор бўлишиб, тавба қилишди.

Шундай экан, «Ирмонтажстрой» трестининг собиқ бошқарувчиси — ҳозир эса «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғининг ўринбосари лавозимига кўтарилган Усмон Алимбоев, мазкур трест бошқарувчиси Жаббор Саломов ва унинг ўринбосари Носир Султонов, трестнинг ишлаб чиқариш-техника комплектацияси бошқармасининг собиқ бошлиғи, ҳозир «Голирмонтажстрой» трести бошқарувчиси бўлиб ишлаётган Қозоқбой Раймбоевларнинг, бу ўзбошимчаликларига «Главсредазирсовхозстрой» маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари чек қўйиши аниқ.

А. ЛИМАРЕВ.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети инспектори.

У. АБДУАЗИМОВ,

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети штатсиз инспектори.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

ЯПОНИЯ КУЙЛАРИ

Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлмоғи, қалби, иши, фикри, орзу-умидлари бир мақсадга қаратилиши керакдир... Пойтахтимизда бир неча кун меҳмон бўлиб турган Японияннинг «Дак-Дакс» ансамбли иштирокчиларининг чиқишлари худди шу мазмунни ўзида тараннум этувчи «Гармония» қўшиғи билан бошланади.

Салкам чорак асрдирки, мазкур ансамбль ўзининг шу қўшиғи билан санъат шинавандаларини ром этиб келмоқда. Шу қўшиқ билан бошланган концерт номерлари — куй ва қўшиқ репертуарини бойитмоқда. «Дак-Дакс» мамлакатимизда беш маротаба меҳмон бўлган. Лекин тошкентликлар ҳузурида биринчи бор чиқиши.

Қўшиқлари билан мухлисларни мамнун этаётган квартет составининг ижрочилар — Такамидзава Хирому, Сасаки Митимаса, Кисоо Тэцу ва Тооява Хадзимэ овозларининг ўзаро мослиги туфайли уйғунлашган жаранглар оҳанглар жозиба касб этмоқда.

«Дак-Дакс» қора ўрдаклар демакдир. Чунки ансамбль иштирокчилари ёзда денгиз соҳилида тобланса, қишда тоғларда қуёшдан баҳраманд бўладилар. Ансамбль репертуарига рус қўшиқларининг киритилганлиги томошабинларни айниқса мамнун этмоқда. Жумладан, япон артистлари ижросидаги машҳур «Катюша», лирик романс «Калитка», қувноқ «Калинка» ўзига хос жарангламоқда. Булардан ташқари замонавий қўшиқлардан «Турналар»нинг ижроси ҳам мафтункор. Шунингдек инглизча, французча ва японча қўшиқлар ҳам оригиналлиги билан олқишга сазовор.

А. НИЗОМОВ.

Редактор ўринбосари Ж. ЖАББОРОВ.

Реклама ва эълонлар

КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ ҲАМДА ТАШКИЛОТЛАРИ

РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ СИЗГА МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ, ШУ ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИДАН «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ВА «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАЛАРИ ЧИҚА БОШЛАДИ.

Бу газеталар саҳифаларида турли-туман эълон ва реклама лар босиб чиқариш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Сиз ишчиларни қабул қилиш, машина ва ускуналарни харид қилиш, турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш, турли машина ва ускуналарни ремонтга қабул қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини савдо ташкилотларига реализация қилиш ва ҳоказолар тўғрисидаги эълонларни ана шу газеталарга беришингиз мумкин.

Сизнинг истагингизга кўра, реклама ёки эълонлар тексти расмлар билан безатилиши, шеър, очерк ёки корреспонденция шаклида берилиши мумкин.

Эълон ва рекламаларингиз айни бир вақтда икки газетада «Қишлоқ ҳақиқати» газетасида ўзбек тилида ва «Сельская правда» газетасида рус тилида босиб чиқарилади.

ЭЪЛОН ВА РЕКЛАМАЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА ЮБОРИНГ:

Тошкент шаҳар, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг эълонлар бўлими.

Эълон ва реклама юборганингизда хатингизда расчётний счётлар номерини, Давлат банки бўлимини ва ташкилотингизнинг аниқ адресини ёзишингизни сўраймиз.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25— ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — Оталаримиз жасоратн, 10.00 — Телеспектакль. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — «Будильник». 11.40 —Совет Иттифоқига хизмат қиламан, 12.40 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 13.25 — Музикали программа. 13.50 — Қишлоқ янгиликлари. 15.00 — Мультфильмлар. 15.30— Халқаро панорама. 16.00 —Музикали киоска. 16.30 — ТОШКЕНТ. 16.35 — Телефильм. 16.45 — «Колокольчик» клубн. 17.15 — Экран куйлари 18.05 — «Ахборот». 18.20 — **Экран ҳандаси.** 19.00 — Қорақалпоғистон ягона оилада. 20.20— «Ахборот». 20.40 — Мусобақада энг муҳими — оммавийлик. 21.00 — Концерт. 22.00 — «ВАҚТ».22.30 — **Анна Каренина** (бадиий фильмнинг 2-серияси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 16.30 — МОСКВА. **Жиноят ва жазо** (бадиий фильмнинг 1- серияси). 18.35 — Эстрада концерти. 19.05 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 20.00 — Шу кунинг куйлари. 20.45 — **Қайрилишдаги ҳалокат** (бадиий фильм). 22.00 — Киноэкран янгиликлари. 22.30 — Музикали программа. 23.30 — Ҳужжатли фильм. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 10/II да **Севги тумори** (кундузи), **Флория Тоска** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 10/II да **Олтин девор** (кундузи), **Оқшомдан тушгача** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/II да **Ўжарлар** (кундузи), **Ҳижрон** (кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА —10/II да **Ташвишланманг, онажон** (12.00), **Биринчи бўса** (19.00).

КИНО

Шаҳарлар ва йиллар — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Емғир ёғди, излар ювилди — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Дайди (16.00, 17.00, 20.00), **Уч юз спартанлик** (10.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 19.00, 21.00), «СПУТНИК».

Тошдаги достон — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Тилла зирак — А. НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Иссиқ қор — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Севги анатомияси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Катта сайр, Самовий саргузаштлар (кундуз ва кечқурун). — «МОСКВА».

БУТУНИТТИФОҚ ҚОРАКЎЛЧИЛИК ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

биология лабораториясининг мудири (биология фанлари доктори ёки кандидати).

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Самарқанд-23, К. Маркс кўчаси, 47-уй.

НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

11 февралда — **СЕВГИ ТУМОРИ.**

12 февралда — **КАРМЕН.**

13 февралда — **ЖИЗЕЛЬ.**

14 февралда — **ТРАВИАТА.**

15 февралда — **МАСҲАРАБОЗЛАР.**

16 февралда — **АИДА.**

17 февралда — **ОҚҚУШ КУЛИ** (кундузи), **КАРМЕН** (кечқурун).

20 февралда — **БОҒЧАСАРОЙ ФОНТАНИ.**

Кундузги спектакллар —12.00 да, **кечки спектакллар** — 19.00 да **бошланади.**

Билетлар сотилмоқда.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

ХОККЕЙ

бўйича II группа «А» класси командаларининг СССР чемпионати

12—13 февралда

«Бинокор» (Тошкент) — «Кедр» спорт клуби (Свердловск области).

Ўйинлар кеч соат 19.00 да бошланади.

Билетлар Марказий «Юбилей» спорт зали кассаларида сотилмоқда.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Абонемент китобчалари сотилмоқда.

БИРЛАШГАН ҚОЗОНХОНАЛАР ДИРЕКЦИЯСИ ҚУЙИДАГИ УСКУНАЛАРНИ

СОТАДИ

ТВГ—4,3 марали сув иситиш қозонлари — 2 та қозон барча ёрдамчи жиҳозлари билан;

ТВГ—8,6 марали сув иситиш қозони — 1 та қозон барча ёрдамчи жиҳозлари билан;

ПКБМ—8,10 марали вагонқозонлар — 3 та қозон барча ёрдамчи жиҳозлари билан.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 6-подъезд.

ЯНГИЙЎЛ ҚУРИЛИШ ВА ЙЎЛ МАШИНАЛАРИ ЗАВОДИ **ТАШКИЛОТЛАРДАН**

фонарсиз типдаги бинолар учун органик шишадан 1400X1600; 1540X1030 мм катталикдаги қалинлиги 3-6 мм ли гумбазлар

ТАЙЁРЛАШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюртмалар буюртмачи материалидан тайёрланади.

Мурожаат учун адрес: Ўзбекистон ССР, Тошкент область, Янгийўл шаҳар, Қирсадак почта бўлими. «Ремстройдормашин» заводи.

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ АРХИТЕКТУРА ФАКУЛЬТЕТИ ҲУЗУРИДА

1 февралдан бошлаб расм ва чизмачилик фанлари бўйича

тўрт ойлик пуллик

ТАЙЁРЛАШ КУРСЛАРИ ОЧИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 23-уй, Архитектура факультети, 13- хона.

Ховос йўл бўлимининг ОРСига сотувчилар, ошпазлар, буфетчилар, экспедиторлар, юк ташувчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Привокзальная кўчаси. НОД-2 ОРСининг кадрлар бўлими.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 01209.